

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

707 Республикада карантиндаги зараркундалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2544

Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 188-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 373-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Республикада карантиндаги зараркундалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларнинг рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирининг биринчи ўринбосари**

Ш. ТЕШАЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 18 декабрь,
9/7-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 18 декабрь,
29-сон

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил
18 декабрдаги 9/7, 29-сонли қарорига
ИЛОВА

**Республикада карантиндаги зараркундалар,
ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларнинг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Латин тилидаги номи	Ўзбек тилидаги номи
Республика ҳудудида учрамайдиган зараркундалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар		
I. Зараркундалар		
1.	<i>Aceria sheldoni</i> (Ewing)	Цитрус куртак канаси
2.	<i>Agrilus mali</i> Mats	Олма тилла қўнғизи
3.	<i>Aleurocanthus woglumi</i> Ash	Қора цитрус оққаноти
4.	<i>Aleurothrixus floccosus</i> Mask	Юнгли оққанот
5.	<i>Aonidiella aurantii</i> Mask	Қизил померанец қалқондори
6.	<i>Bruchidius incarnates</i> Boh	Миср нўхот донхўри
7.	<i>Callosobruchus phaseoli</i> Gyll	Ҳинд ловия донхўри
8.	<i>Callosobruchus chinensis</i> L.	Хитой донхўри
9.	<i>Carposina niponensis</i> Wlsg.	Шафтоли мевахўри
10.	<i>Caryedon gonagra</i> L.	Ерёнғоқ донхўри
11.	<i>Caulophilus latinasus</i> Say.	Кенг хартумли омбор узунбуруни
12.	<i>Ceratitis capitata</i> Wied.	Ўрта ер денгизи мева пашшаси
13.	<i>Ceratitis rosa</i> Walk.	Наталия мева пашшаси
14.	<i>Ceroplastes rusci</i> L.	Анжир мумсимон сохта қалқондори
15.	<i>Ceroplastes japonicus</i> Green.	Япония мумсимон сохта қалқондори
16.	<i>Chlonaspis furfure</i> Fitch.	Тангасимон қалқондор
17.	<i>Chrysomphalus rossi</i> (Mask)	Қора араукарий қалқондори
18.	<i>Conotrachelus nenuphar</i> (Herb.)	Мева узунбуруни
19.	<i>Dacus dorsalis</i> Hend.	Шарқ мева пашшаси
20.	<i>Diabrotica virgifera virg.</i> Le Conte	Ғарб маккажўхори қўнғизи
21.	<i>Diaphorina citri</i> Kuway	Шарқ ёки Осиё барг бургаси
22.	<i>Dinoderus bifoveolatus</i> Woll.	Сохта пўстлоқ ҳаммахўри
23.	<i>Dysmicoccus wistarial</i> (Green)	Япония қурти
24.	<i>Hyphantria cunea</i> Drury.	Америка оқ капалаги
25.	<i>Icerya purchasi</i> Mask.	Австралия тарновсимон қурти
26.	<i>Lecanium deltae</i> Lizeri	Учбурчакли сохта қалқондор
27.	<i>Liriomyza trifolii</i> (Bur)	Америка йўнғичқа минёри
28.	<i>Lopholeucaspis japonica</i> Ckll.	Япония чўпсимон қалқондори
29.	<i>Numonia pyrivorella</i> Mats.	Нок парвонаси
30.	<i>Nipaeococcus nipae</i> (Mask)	Палма қурти
31.	<i>Palalispis gularis</i> Zell.	Ерёнғоқ парвонаси
32.	<i>Pantomorus leucoloma</i> Boh.	Оқ ҳошияли қўнғиз
33.	<i>Pectinophora gossypiella</i> Saund.	Ғўза куяси
34.	<i>Phthorimaea lycopersicella</i> (Busck)	Америка помидор куяси

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

Т/р	Латин тилидаги номи	Ўзбек тилидаги номи
35.	<i>Phthorimaea operculella</i> Zell.	Картошка куяси
36.	<i>Pinnaspis strachani</i> (Cooley)	Кичик қорсимон қалқондор
37.	<i>Popillia japonica</i> Newm.	Япон қўнғизи
38.	<i>Pseudaulacaspis pentagona</i> Targ.	Тут қалқондори
39.	<i>Pseudococcus citriculus</i> Green.	Шарқ унсимон курти
40.	<i>Pseudococcus gahani</i> Green.	Цитрус унсимон курти
41.	<i>Pseudoparlatoria parlatoroides</i> Coms.	Орхидея қалқондори
42.	<i>Rhagoletis completa</i> Cres.	Ёнғоқ пашшаси
43.	<i>Rhagoletis pomonella</i> Walsh.	Олма пашшаси
44.	<i>Rhizococcus Kondonis</i> Kuw.	Илдиз курти
45.	<i>Scrobipalopsis solanifera</i> Pav.	Косторика картошка куяси
46.	<i>Sinoxylon conigerum</i> Gerst.	Аррасимон пўстлоқ кемирувчи қўнғизи
47.	<i>Spodoptera eridania</i> (Cramer)	Эридания тунлами
48.	<i>Spodoptera frugiperda</i> (J.E.Smith)	Фругиперда тунлами
49.	<i>Spodoptera littoralis</i> Boisd.	Миср ғўза тунлами
50.	<i>Spodoptera litura</i> Fabr.	Осиё ғўза тунлами
51.	<i>Tetradacus citri</i> Chen.	Катта мандарин пашшаси
52.	<i>Trogoderma angustum</i> Sol.	Трогодерма ангустум қўнғизи
53.	<i>Trogoderma ballfinchae</i> Beal.	Трогодерма балфинчае қўнғизи
54.	<i>Trogoderma granarium</i> Ev.	Капр қўнғизи
55.	<i>Trogoderma grassmani</i> Beal.	Трогодерма грассмани қўнғизи
56.	<i>Trogoderma longisetosum</i> Chao et Lee	Трогодерма лонгисетозум қўнғизи
57.	<i>Trogoderma ornatum</i> Say.	Трогодерма орнатум қўнғизи
58.	<i>Trogoderma simplex</i> Jayne	Трогодерма симплекс қўнғизи
59.	<i>Trogoderma sternale</i> Jayne.	Трогодерма стернале қўнғизи
60.	<i>Unaspis citri</i> Comst.	Апельсин қалқондори
61.	<i>Unaspis yanonensis</i> Kuw.	Шарқ цитрус қалқондори
62.	<i>Viteus vitifoliae</i> Fitch.	Филлоксера
63.	<i>Zabrotes subfasciatus</i> Boh.	Бразилия донхўри
II. Ўсимлик касалликлари		
а) замбуруғ касалликлари		
1.	<i>Cercospora kikuchii</i> Mats et Tom Gard	Соя қизилпушти церкоспориози
2.	<i>Diaporthe helianthi</i> Munt.	Кунгабоқар поясининг кулранг доғли касаллиги
3.	<i>Diaporthe phaseolorum</i> Cke et Ell	Соя пояси раки
4.	<i>Didymella ligulicola</i> (K.F.Baker, Dimock and L.H.Davis) von Arx.	Хризантема аскохитози
5.	<i>Drechslera maydis</i> (Nisicado) Subran	Маккажўхори жанубий гелминтоспориози
6.	<i>Glomerella gossypii</i> Edgerton	Ғўза антракнози
7.	<i>Mycosphaerella linicola</i> Naumov	Зигир пасмоси
8.	<i>Phialophora cenerescens</i> (Wr) van Bryna	Чиннигул фиалофороз касаллиги
9.	<i>Phoma andina</i> Turkensten	Анд фомоз касаллиги
10.	<i>Phomopsis viticola</i> Sacc	Узум сўлиш касаллиги
11.	<i>Phymatotrichopsis omnivora</i> (Duggar) Hennebert	Техас илдиз чириш касаллиги
12.	<i>Puccinia horiana</i> P. Hennings	Хризантема оқ ранг касаллиги

Т/р	Латин тилидаги номи	Ўзбек тилидаги номи
13.	<i>Stenocarpella macrospora</i> (Earle) Sutton	Маккажўхори диплоидози
14.	<i>Synchytrium endobioticum</i> (Schilb) Percival	Картошка рак касаллиги
15.	<i>Thecaphora solani</i> (Thirumulachar et O, Brien) Mordue	Картошка қорақуяси
16.	<i>Tilletia indica</i> Mitra	Ҳинд бугдой қорақуяси
б) нематодалар		
1.	<i>Globodera pallida</i> (Stone) Behrens	Картошка нимранг нематодаси
2.	<i>Globodera rostochiensis</i> (Woll) M et St	Картошка олтинранг нематодаси
в) бактерия касалликлари		
1.	<i>Corynebacterium tritici</i>	Бугдойнинг сариқ шиллиқ бактериози
2.	<i>Erwinia stevartii</i>	Маккажўхори вилти
3.	<i>Erwinia amilovora</i>	Мевали дарахтлар куйдиргиси
4.	<i>Pseudomonas caryophili</i>	Чиннигул вилти
5.	<i>Xanthomonas campestris</i> pv. <i>Hyacinthi</i>	Гиацинт сариқ касаллиги
6.	<i>Xanthomonas campestris</i> pv. <i>citri</i>	Цитрус рак касаллиги
7.	<i>Xanthomonas campestris</i> pv. <i>oryzicola</i>	Шолининг бактериал чизиқли касаллиги
8.	<i>Xanthomonas campestris</i> pv. <i>oryzae</i>	Шоли бактериал куйдиргиси
9.	<i>Xanthomonas ampelina</i>	Узумнинг бактериал сўлиши
г) вирус касалликлари		
1.	<i>Andean potato virus</i>	Картошканинг Анд вируси
2.	<i>Barley stripe mosaic virus</i>	Арпанинг чизиқ қурама касаллиги
3.	<i>Chrysanthemum stunt viroid</i>	Хризатеманинг паканалик касаллиги
4.	<i>Citrus tristeza virus</i>	Цитрус тристеца касаллиги
5.	<i>Grapevine flavescence doree</i> (micoplasm)	Ток барглариининг заррин сарғайиш касаллиги
6.	<i>Peach mosaic virus</i> (American)	Шафтолининг қурама касаллиги
7.	<i>Plum pox virus</i>	Олхўрининг чўтир касаллиги
8.	<i>Plum line pattern virus</i> (American)	Олхўрининг чизиқли АҚШ касаллиги
9.	<i>Potato vein yellowing virus</i>	Картошка барг томирлари сарғайиши
10.	<i>Potato yellow dwarf virus</i>	Картошканинг сариқ паканалик касаллиги
11.	<i>Rose wilt disease</i>	Атиргул вилти
III. Бегона ўтлар		
1.	<i>Acanthospermum hispidum</i> D.C.	Қаттиқ юнгли тиканли ўт
2.	<i>Aeshynomene indica</i> (L.) BSP	Ҳинд эшиноменеси
3.	<i>Aeshynomene virginica</i> (L.)	Виржиния эшиноменеси
4.	<i>Ambrosia psilostachya</i> D.C.	Кўп йиллик амброзия
5.	<i>Ambrosia trifida</i> L.	Учбўлакли амброзия
6.	<i>Arceutobium</i> spp.	Омелалар
7.	<i>Bidens bipinata</i> L.	Иттикана
8.	<i>Cassia occidentalis</i> L.	Ғарб кассияси
9.	<i>Cassia tora</i> L.	Тора кассияси
10.	<i>Cenchrus pauciflorus</i> (tribuloides) L.	Камгулли ценхрус (лангарсимон)
11.	<i>Croton capitatus</i> L.	Тўпгулли кротон

Т/р	Лотин тилидаги номи	Ўзбек тилидаги номи
12.	<i>Diodia terres</i> Walt.	Жўвасимон диодия
13.	<i>Emex australis</i> Steinh.	Жанубий эмекс
14.	<i>Emex spinosa</i> L.	Тиканли эмекс
15.	<i>Euphorbia dentata</i> Minch.	Аррасимон сутлама
16.	<i>Euphorbia marginata</i> Pursh.	Ҳошияли сутлама
17.	<i>Heliantus californicus</i> D.C.	Калифорния кунгабоқари
18.	<i>Heliantus ciliaris</i> D.C.	Киприкли кунгабоқар
19.	<i>Heliantus petiolaris</i> Nutt.	Барг бандли кунгабоқар
20.	<i>Heliantus lenticularis</i> Dougl.	Ёввойи кунгабоқар
21.	<i>Heliantus scaberrimus</i> Benth.	Тукли кунгабоқар
22.	<i>Hydrocotyle ranunculoides</i>	Айиқтовонсимон сувйигар
23.	<i>Ipomoea hederacea</i> (L.) Yacg.	Печаксимон ипомея
24.	<i>Iva</i> sp. sp.	Сасиқ какра (барча турлари)
25.	<i>Jacquemontia tamnifolia</i> L.	Юраксимон баргли жакумонт ўти
26.	<i>Polygonum pensylvanicum</i> L.	Пенсильвания сув мурчи
27.	<i>Raimania laciniata</i> Hill (Oenotera)	Раймания
28.	<i>Sesbania exaltata</i> (Raf) Cory	Майда дуккакли сесбания
29.	<i>Sesbania macrocarpa</i> Muhl et rafin	Йирик дуккакли сесбания
30.	<i>Sicyos angulatus</i> L.	Бурчакбаргли қовоқсимон ўт
31.	<i>Sida spinosa</i> L.	Тиканли сида
32.	<i>Solanum carolinense</i> L.	Каролина итузуми
33.	<i>Solanum elaeagnifolium</i> Cav.	Чизиқбаргли итузум
34.	<i>Solanum rostratum</i> Dun.	Тиканли итузум
35.	<i>Solanum triflorum</i> L.	Учгулли итузум
36.	<i>Striga</i> sp.sp	Стригалар
Республиканинг айрим ҳудудларида учрайдиган зараркундалар ва бегона ўтлар		
I. Зараркундалар		
1.	<i>Dialeurodes citri</i> Ashm.	Цитрус оққаноти
2.	<i>Grapholitha molesta</i> Busck.	Шарқ мевахўри
3.	<i>Leptinotarsa decemlineata</i> Say.	Колорадо қўнғизи
4.	<i>Phyllocnistis citrella</i> Stain.	Цитрус инли куяси
5.	<i>Pseudococcus comstocki</i> Kuw.	Комсток қурти
6.	<i>Quadraspidiotus perniciosus</i> C.	Калифорния қалқондори
II. Бегона ўтлар		
1.	<i>Acroptilon repens</i> (L) D.C.	Судралувчи какра (пуштиранг какра)
2.	<i>Ambrosia artemisiifolia</i> L.	Эрмонбаргли амброзия
3.	<i>Cuscuta</i> sp. sp	Зарпечаклар

Мазкур Рўйхат Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси билан келишилган.

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
ҳузуридаги Ўсимликлар карантини
бош давлат инспекцияси бошлиги в.б.*

Ф. ЗАХИДОВ

2013 йил 18 декабрь